



СОЛИҚ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧАЛАР

Джумамуратов Руслан Танатарович

«Солиқлар ва солиқга тортиш» кафедраси магистранти,
Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10780827>

ARTICLE INFO

Received: 26th February 2024

Accepted: 02nd March 2024

Online: 03rd March 2024

KEYWORDS

Солиқлар, имтиёзлар,
инвестиция, инвестиция
ресурслари, солиқ механизми,
рағбатлантириш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада иқтисодийликка инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишда солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги, шунингдек инвестицияларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чоралари баён этилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, жумладан иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқларнинг аҳамияти беқиёс каттадир, улар ёрдамида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга оширишга замин яратилади. Бунинг учун солиқларнинг функцияларидан молиявий унсур сифатида самарали фойдаланиш зарур. Энг муҳими, инвесторлар назари билан қараганда, солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солиқ тизимида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим.

Миллий иқтисодийликни ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлашда инвестицияларни ўрни муҳим аҳамият касб этади: иқтисодий рўй бераётган таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳоли турмуш даражаси ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Инвестиция жараёнларини молия-кредит механизмлари орқали рағбатлантиришда эса энг мақбули солиқ механизми ҳисобланади.

Инвестиция қарорларига, шунингдек, иқтисодийликка инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишда солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлигининг таъсири бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Солиқ солиш билан боғлиқ элементлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган бўлиб, солиқлар орқали инвестицион жараёнларни тартибга солишда солиққа тортиш тизимининг асосан икки дастакларидан кўпроқ фойдаланилади: ставка ва имтиёзлар. Ҳозирги кунга келиб солиққа тортишнинг биринчи дастагидан, яъни ставкаларни пасайтириш тарзидаги дастакдан етарлича фойдаланилди. Мисол учун фойда солиғи ставкасидан 1995 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7,5 фоизга (2018 йилда фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий



инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан бирга 14 фоизни ташкил этади) ёки 22 йил мобайнида 5 баробардан зиёдга камайтирилди.

Мамлакатимизда дастлабки Солиқ Кодекси 1997 - йил 24 - апрелда ЎРҚ-396-I - сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан қабул қилинган бўлиб, 1998 - йил 1- январдан бошлаб кучга кирган ва 2008 - йил 1- январдан бошлаб ўз кўчини йўқотган. Ушбу даврда 38 та ҳужжат билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, лекин боблар ва моддалар сони ўзгармаган. Солиқ кодекси 41 боб, 35 моддадан иборат бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси Ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида маълумот

1997-2007	2008-2019	2020-ҲОЗИРГАЧА
Қабул қилинган вақтда 41 боб, 135 модда Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳужжатлар сони 38 та 2008 йил 1 январ ҳолатига 41 боб, 135 модда	Қабул қилинган вақтда 64 боб, 392 модда Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳужжатлар сони 62 та 2020 йил 1 январ ҳолатига 64 боб, 392 модда	Қабул қилинган вақтда 71 боб, 480 модда Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳужжатлар сони 30 та 2008 йил 1 январ ҳолатига 72 боб, 483 модда

Кейин 2007 - йил 25 - декабрда ЎРҚ-136 - сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, 2008 - йил 1- январдан бошлаб кучга кирган ва 2020 - йил 1- январдан бошлаб ўз кўчини йўқотган. Ушбу даврда 62 та ҳужжат билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, лекин боблар ва моддалар сони ўзгармаган. Солиқ кодекси 64 боб, 392 моддадан иборат бўлган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 2019 - йил 30 - декабрда ЎРҚ-599 - сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, 2020 - йил 1- январдан бошлаб кучга кирган ва ҳозиргача амалда ҳисобланади. Мазкур Солиқ Кодекси қабул қилингандан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврда 30 та ҳужжат билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, боблар сони 71 тадан 72 га, моддалар сони 480 тадан 483 тага кўпайган, яъни концептуал ўзгаришларга таалуқли янги нормалар билан тўлдирилган.

Янги таҳрирдаги Солиқ Кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни таҳлил қиладиган бўлсак, инвестиция муҳитига яхшилашга, жумладан Қорақалпоғистон Республикасида инвестициявий жозибадорликни ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар 3 та Қонунда акс эттирилганлиги кўрамиз (2-жадвал). Булар “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-714-сонли, 2022 йил 12 июлдаги



ЎРҚ-783-сонли, 2023 йил 12 июндаги ЎРҚ-845-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ҳисобланади.

2-жадвал

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган қонун ҳужжатлари

(инвестиция қарорлари ёки инвесторлар фаолиятига таъсир қилувчи)

ЎРҚ-845-сон 12.06.2023 йил	ЎРҚ-783-сон 12.07.2022 йил	ЎРҚ-714-сон 14.09.2021 йил
Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида	Ўзбекистон республикасининг солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида	Ўзбекистон республикасининг солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатлар 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли “Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тартибга солинади.

Лекин мазкур Қонун марказлаштирилган инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмайди.

Шунингдек, концессия фаолияти, маҳсулот тақсимотига оид битимлар тузиш, уларни бажариш ва бекор қилиш, инвестиция, пай ва венчур фондлари, капитал бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш, давлат-хусусий шериклик, махсус иқтисодий зоналар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

Мазкур Қонунда (11-модда) инвесторлар солиқлар ва тўловларни тўлаши шартлиги кўрсатилган.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда хорижий инвестицияни фаол жалб қилиш мақсадида, Қонунда инвестицияларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чоралари, инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш тартиблари назарда тутилган бўлиб, солиқ ва тўловлар ҳисобидан ҳам бир қатор енгилликлар берилиши мумкинлиги, яъни паста курсатилган моддаларда белгиланган:

- 22-модда. Инвестицияларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чоралари



- 34-модда. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш.
- 5-модда. Инвестицияга оид солиқ кредити
- 36-модда. Инвестиция субсидияси.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон республикаси президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594-сонли, 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Президент Фармонлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 августдаги ПФ-158 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон -2030” стратегиясида Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига киритишда асосий йўналиш сифатида «Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш», «Иқтисодиётда трансформация ва институционал ислохотларни изчил давом эттириш, мамлакатда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш ҳамда мувозанатлашган пул-кредит сиёсатини амалга ошириш» ва «Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўртача 7 фоиз атрофида ўсишини таъминлаш» вазифаси белгиланган.

Мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантиришда «Мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш», «Худудларнинг инвестицион рейтингини юритиш, ҳар бир худуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, унинг инвесторлар учун жозибadorлигини янада ошириш» вазифаси белгиланган.

Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш мақсадида «Солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бизнес учун қўшилган қиймат ва фойда солиқ ставкалари уч йил давомида оширилмаслигини кафолатлаш», «Солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш,



соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, расмий сектор — нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитларни таъминлаш» вазифалари белгиланди.

Давлатнинг инвестицияни қўллаб-қувватлашдаги асосий молиявий воситалари солиқ, сугурта, субсидия, субвенция, амортизация ажратмалари, кредит хисобланиб, уларни эркинлаштириш натижасида хужалик субъектларининг уз фаолият йуналишларини мустакил ва эркин белгилаш муаммоларини бозор муносабатларига мос равишда хал этиш имконияти яратилади. Пировардида, қулай инвестиция мухитини яратишга эришилади ва бу орқали иқтисодий трансформация қилиш учун инновация ҳамда инвестиция фаолияти турларини кенгайтириш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал иқтисодий ислохотлар солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, пировардида инвесторлар ишончини ошириш, жаҳон иқтисодийетида мамлакат рейтингини кўтаришни ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни орқали ҳорижий инвесторлар билан ҳамкорликни яхшилашни мақсад қилиб олиши лозим.

References:

1. Гиясов С.А. Корхоналарни инвестицион фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш. МД. БМА. Т. Молия. 2017. -766.
2. Туклиев Б.К. Инвестициялар ва уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида. Lex.uz
5. “Ўзбекистон 2030” стратегияси. Lex.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги. Солиқ қўмитаси расмий сайтлари ҳисоботлари ва маълумотлари